

МУТАФАККИРЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИДА ИНСОН ВА ИЛМ ҲАҚИДА (ЖОМИЙ АСАРЛАРИ АСОСИДА)

Лутфилло Ахатов

Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мутафаккирлар илмий мероси ва ундаги инсонпарварлик тимсоли ёритилган. Илм ва унинг нажоткорлиги ҳақида сўз боради. Инсон омили ва унинг умри, моҳияти ва эзгуликлари ёритилган. Жамиятдаги иллатлар ва уларни бартараф этиш ҳақида фикрлар баён этилган. Илм ўрганишда эътиқод ва фаннинг узвийлиги берилган. Илмнинг юкалиш босқичлари таҳлил қилинган.

Калит сўз: Илм, илмий мерос, инсон омили, Абдурахмон Жомий, Баҳористон, равза, ҳаёт, жамият.

КИРИШ

Илм ва унинг моҳиятини уни ўрганган, унга амал қилган ва бошқага етказган инсонлар англайди. Илмда сохтакорлик, ёлғон ва зарар асло бўлмайди. Илм-ақл орқали инсон юксак марраларга чиқади. Инсон омилининг жавҳари ҳам илм орқали сайқалланади. Ислом динида илм ўрганишлик фарз (бажарилиши мажбурий) деб аталган. Шунинг учун биладиганлар билан билмайдиганларнинг фарқи ҳақида оят келган. “Аллоҳ Қуръони Каримнинг Зумар сурасида шундай дейди: “Биладиганлар билан билмайдиганлартенг бўлармиди?!” деб айт. Албатта, ақл эгаларигина эслатма олурлар” (Зумар сураси 9-оят) [1]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мутафаккирлар илмий меросини ўрганишда, илм ва у орқали инсон омилининг шаклланиши ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд. Абдурахмон Жомий илмий мероси шулар жумласидан. Унинг илмий мероси ҳар бир даврда ўрганилган, жумладан, китоблар ва турли масалаларга бағишланган рисоаларининг номи: “Тавсири каломулло”, фотиҳа сурасидан то “Фаайа фарҳабун” оятигача, “Шавоҳидун – нубувват”, “Нафа хотул – унс”, “Мақсадул – фусус”, “Рисолаи тариқайи суфийя”, “ Шарҳи миот”, “Шарҳи нусуси лавомеъ”, “Шарҳи абёти форизия”, “Шарҳи рубоийёт”, “Лавойих”, “Шарҳи матни мавлонойи Рум”,

“Шарҳи матни Амир Хусрав Дехлавий”, “Шарҳи ҳадиси Абузар Уқаймий”, “Шарҳи суханони хожа Муҳаммад порсо”, “Таржумайи арбаин”, “Маноқиби ҳазрати Мавлавий Румий”, “Маноқиби хожа Абдуллоҳ Ансорий”, “Рисолаи таҳқиқи мазҳаби суфийя”, “Рисола дар исботи вужуд”, “Рисола дар суоли Ҳинустон”, “Рисолаи дар Ло Илоҳи Иллоллоҳ”, “Рисолаи дар маносики ҳаж”, “Ҳафт авранг” (Ҳатфт авранг) тарзида берилади. Ҳафт авранг қўйдўаги тартибда: “Силсилатуз – заҳаб”, “Саломон ва Абсол”, “Тухфатул – аҳрор”, “Сабҳатул – аброр”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун”, “Хирадномаи Искандарий”, “Девони аввал”, “Девони сони”, “Девони солис”, “Баҳористон”, “Рисолаи кабир дар муаммо”, “Рисолаи мутавассит дар муаммо”, “Рисолаи сағир дар муаммо”, “Рисолаи манзума дар муаммо”, “Рисолаи аруз”, “Рисолаи кофия”, “Рисолаи мусиқи”, “Муншоот”, “Шарҳи мулло бар кофия”, “Шарҳи мифтоҳ ул – ғайб” каби илм ўрганишга асос бўладиган илмий маъно касб этган асарлардир.

Асарларидан “Баҳористон” асарининг иккинчи равзаси *Донолар ҳикмати ҳақида* деб номланиб унга битилган ҳар бир ҳикоятнинг замирида инсонпарварлик ғоясини мужассам:

Фаридунки шавқат заминига насиҳат тухмин икди, фарзанди учун қоғозга куйдаги сўзларни чекди: “Ҳаёт варақлари киши амалининг саҳифаларидир. Унга энг яхши ишларгина ёзиб қолдирилади”.

Замон саҳифалари – инсон умрин дафтари,
Шундайин сўзни демиш ўйга толган бир доно:
Кимки бу пок китобда яхши амали билан
Яхши номин қолдирса, ўшанинг бахти аъло.[2]

Мисранинг шарҳи: *Замон саҳифалари* – яъни ўтаётган ҳар бир кунимиз, сониямиз – вақтимиз (тарих сифатида) замон саҳифаси сифатида муҳирланиб боради ва *инсон умрин дафтари*, яъни яшаган умримизни мазмуни акс итилган ҳаёт дафтари (китоби)миз тарзида шакилланиб боришлигига урғу берилмоқда. Бу дафтарни безаш учун *Шундайин сўзни демиш ўйга толган бир доно*: хаёлага толиб бутун – “Баҳористон” боғларининг ҳар бир равзаси (асардаги боғлар жаннатдаги равзаларга тенглаштирилмоқда)ни сайр этиш мақсадида *Кимки бу пок китобда яхши амали билан* ошно бўлса, яъни бу китобни ўқиб у китода акс этилган боғлардаги ахлоқ билан хулқланса, унинг хушбўй муаттар гулу - райҳонлар орқали ўзини жаннатдаги равзаларда ҳис қилган бўлади ва *Яхши номин қолдирса, ўшанинг бахти аъло* эканлигига ишора берилиши эса, бу (“Баҳористон”) боғлардаги ахлоқий фазилатларга амал қилиб, шу ахлоқ

орқали шуҳрат қозонса, яхши ахлоқ соҳибидеган маънода жамиятда ўз ўрнини топса, демакки, *ўшанинг бахти аъло*, деб энг улуғ мақомга лойиқлигини эътироф этмоқда. Бу мақомни биз қўйдагича шарҳлашимиз мумкин:

Шариъат – Ислом қонун қонидаси, бажарилиши шарт бўлган қонун ва қоидалар.

Тариқат – тўғри йўл бўлиб, бунда Шариъатни мукаммал билмасдан Тариқатга эришмайди.

Маърифат – мукаммаллашган илм, яъники, унча – мунчага ҳам ўзгармайдиган илм

Ҳақиқат – энг буюк мартабага эришганлигига ишора

Охирдаги Ҳақиқат мақоми бу *бахти аъло* деб аталади. Зеро, Ҳақиқатга эришиш бу энг юксак – олий мақом сифатида баҳоланади. Бундан олий бахт бошқа бўлмаслигини унутмаслик керак. Шундай экан, олий – *бахти аъло*га эриш учун ҳар бир инсон бу боғдаги ахлоқдан мосуво бўлмаслиги керак деб айтилмоқда.

Зар талаблар эшик каби ҳалқа тоқиб қулоққа,

Етиб келди, бу орада мен йўқдирман, шукурлар.

Боғу роғим бўлмаса ҳам, маъни ниҳолларим кўп,

Бу ниҳолнинг шоҳу барги қалам эрур ва дафтар.

Байту шеърлардан бўлак, менинг мулким, уйим йўқ,

Бошқа мулким қофия – бу бўлолмас мулку зар. [3]

Шарҳ: *Зар талаблар эшик каби ҳалқа тоқиб қулоққа*, деб жамиятдаги баъзи “ношуд” кимсалар – дунё матосига, зебу – зейнатларига бурканганлиги (баъзи эркаларнинг қулоқларига балдоғ тақишларини эса бирон сўз билан таърифлаб беролмаймиз)ни васф этиб, *Етиб келди, бу орада мен йўқдирман, шукурлар*, яъни бундай жараёнлар юз берганда ҳам парво қилмадим, улар (“ношуд” кимсалар – дунё матосига, зебу – зейнатларига бурканган)дан бўлмаганимга шукурлар қиламан. *Боғу роғим бўлмаса ҳам, маъни ниҳолларим кўп*, яъни улар (“ношуд” кимсалар – дунё матосига, зебу – зейнатларига бурканганлар) каби боғу роғим (бойлигим) бўлмасада ҳам, маънога бой (маънавий хазина) бўлган ниҳол (асар)ларим кўпдир. *Бу ниҳолнинг шоҳу барги қалам эрур ва дафтар*, деб маънога бой (маънавий хазина) бўлган ниҳол (асар)ларимнинг шоҳлари қалам билан безатилган ва дафтар (китоб) бўлиб шакилланган. Ҳамда *Байту шеърлардан бўлак, менинг мулким, уйим йўқ*, деб бунёд этган маънога бой бўлган ниҳол (асар)ларимнинг шоҳлари қалам билан безатилган ва дафтар (китоб)лардаги шеърлардан бўлак, менинг бойликларим – мулким (“ношуд”

кимсалар – дунё матосига, зебу – зейнатларига бурканганлар) каби боғу роғиларим ҳам йўқ бўлса-да, **Бошқа мулким қофия – бу бўлмас мулку зар**, яъни улар (“ношуд” кимсалар – дунё матосига, зебу – зейнатларига бурканганлар) каби боғу роғларидан устун турувчи мулким – бойлигам бу маънога бой (маънавий хазина) бўлган ниҳол (асар)ларимдаги қофия – байтларим бўлиб, гарчи бу мулк – бойлик ва зар – олтин бўлмаса ҳам, киммати бу унинг маърифатга илтувчи маънавий ниҳол (дафтар - китоб)лигидадир.

REFERENCES

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам Дин ва илм. – Т.: “Nilol - nashr”, 2021й.
2. **كمال خجندی دیوان موترجیم : (ترجمان) م. وصفی** – 1962. **قطع ها : سحیفه 313**
3. Акрам Б. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони. – Т: “O’zbekiston” 2016 й.
4. Шомухамедов Ш. Абдурахмон Жомий. – Т: F.Фулум, 1971й.
5. Комилов Н. Тасаввуф. – Т: “Movarounnahr” – “O’zbekiston”, 2009й.
6. **از حکمت های امیر خسرو دهلوی ترتیب دهندهنده و مترجیم شاه اسلام شاه محمداف تاشکند اداره نشریات یاش گواردیا – 1973 سهیفه 4**
7. Комилов Н. Тафаккур карвонлари (Шарку Ғарбнинг цивилизациявий алоқалари). – Т: “Sharq”, 2011й .
8. Ислом Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: “Маънавият”, 2008й.
9. Madalimov, T., Akhatov, L., Haytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review*, 1(1), 29-32.
10. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). THE PROBLEM OF TOLERANCE IN ORIENTAL PHILOSOPHY. *JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.
11. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). the PROBLEM of HUMAN PSYCHOLOGICAL CRISES in the VIEWS of EMIL DURKHEIM. *НАУКА ОБРАЗОВАНИЕ И КУЛЬТУРА*, 50(6), 50-57.
12. Haytmetov, R., Akhatov, L., & Madalimov, T. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2(1), 53-61.
13. Haytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The spiritual connection of Sufism and Tolerance in the works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 1(2), 1-4.
14. Akhatov, Lutfillo, Timur Madalimov, and Raimberdi Haytmetov. "The Spiritual Connection of Sufism and Tolerance in

the Works of Jami." *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications* 2 (2020): 1-4. Web. Apr. 2020.

15. Akhatov, Lutfullo, Timur Madalimov, Raimberdi Xaytmetov, and Farxod Ibrohimov. "A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston"." *International Journal of Current Science Research and Review* 3 (2020): 29-32. Web. Apr. 2020.

16. Khaytmetov, R., T. Madalimov, and L. Akhatov. "The Problem of Human Psychological Crises in the Views of Emil Durkheim." *Наука, образование и культура* 6.50 (2020): 50-57. Web.

17. Khaytmetov, R., T. Madalimov, and L. Akhatov. "The Problem of Tolerance in Oriental Philosophy." *Multidisciplinary Peer Reviewed Journal* 6.7 (2020): 130-133. Web.

18. Хайтметов, Раимберди, Тимур Мадалимов, and Лутфулло Ахатов. "Капитализм ва инсон психологияси." *Педагогика ва психологияда инновациялар* 2 (2020): 53-61. Web. Apr. 2020.

